

Аллоҳ сизни оламларга раҳмат қилиб юборди



19:05 / 04.11.2019 2224

Бизларни Аллоҳ уммати Муҳаммад қилди ва бу билан умматларнинг афзали бўлдик. Ҳаттоки Мусо калимуллоҳ билан Исо руҳуллоҳ қани энди Муҳаммадга уммат бўлсак деб орзу қилдилар. Ҳа биродарлар Аллоҳ билан тўғрима-тўғри гаплашган Мусо калимуллоҳ сиз билан бизни ўрнимизни орзу қилдилар.

Аллоҳ **Ла Илаҳа Иллаллоҳ** калимасини жамики умматларга берди. Лекин Муҳаммад Расулulloҳни фақат бизга берди. Муҳаммадар Расулulloҳ ҳақиқатан ҳам неъматуллоҳдир. Оламларга раҳмат бўлган бу улуғ зотнинг фазилатлари билан умматларнинг охиргиси ва жаннатга кирадиганларнинг биринчисимиз инша Аллоҳ.

Аллоҳ таоло бу зотдан истаганингизни сўранг ижобат қиламан деганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ё Аллоҳ умматим, ё Аллоҳ умматим деб ёлвордилар ва айтдиларки, Аллоҳ билмасдан туриб гуноҳ қилсак бизларни азоблама, унутиб гуноҳ қилсак бизларни азоблама, мажбур бўлиб гуноҳ қилсак бизларни азоблама дедилар.

Ё Расулulloҳ сизнинг ёшларга бўлган меҳрингиз башарият тарихидаги энг гўзал ва такрорланмас меҳр эди. Саждага эгилсангиз невараларингиз Ҳасан билан Ҳусайн розияллоҳу анҳумолар устингизга чиқиб олишар ва сиз

болаларнинг ўйини бузилмасин деб саждада узоқ турардингиз. Намоз кўзингиз қувончи эди, лекин шунга қарамай намоз вақтида бирор-бир бола йиғласа онаси безовта бўлмасин деб намозни қисқа қилардингиз.

Сизнинг дуойингиз ила Абдуллоҳ ибн Аббос фақиҳ бўлдилар ва сизнинг мўъжизангиз ила Жобир ибн Абдуллоҳ катта миқдордаги қарздан халос бўлдилар.

Дунё тарихидаги энг бахтли ёшлардан бири бўлга Анас ибн Моликни 10 йил тарбияладдингиз ва бу нарса ўз самарасини кўрсатиб у зот сиздан 2286 ҳадис ривоят қилдилар ва биз у зотдан динимизни анча қисмини ўргана олдик.

Куфрнинг боши бўлган Абу Жаҳллар «Аллоҳим шу Куръон сени ҳузурингдаги ҳақ китоб бўлса бизларга аламли азоб юбор» дедилар. Лекин Аллоҳ у зотни нафақат мусулмонларга балки ғайридинларга ҳам раҳмат қилиб юборган эди.

Сизнинг фазлингиз ила Аллоҳ «Уларни азобламади ва уларнинг ичида сиз турганингизда мен уларни азобловчимасман» деди.

Аллоҳим ўз каломингда «Албатта биз сизни оламларга раҳмат қилиб юбордик» деганингда нақадар рост сўзладинг.

Нуриддин Фатхуллаев